

“АСАКА” БАНКИ ТОМОНИДАН АҲОЛИГА ИСТЕЪМОЛ ЭҲТИЁЖЛАРИ УЧУН КРЕДИТ БЕРИШ ТАРТИБИ

Ушбу тартиб Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ “Асака” банкининг (кейинги ўринларда “Банк” деб номланади) филиаллари томонидан Ўзбекистон Республикаси фуқароларига истеъмол эҳтиёжлари учун кредит бериш асосларини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1.1 Ўзбекистон Республикаси фуқароларига истеъмол эҳтиёжлари учун кредитлар, уларнинг турар жойи бўйича банкнинг филиаллари томонидан қуйидаги шартлар асосида берилади:

- Кредит муддати - 3 йилгача бўлган муддатга узайтириш ҳуқуқисиз;
- Кредит суммаси - энг кам ойлик иш ҳақининг 200 бараваригача;
- Кредит фоиз ставкаси – кредит фоизларини ҳар ой тўлаб бориш шarti билан йиллик 14 фоиз, ёш оилалар учун эса йиллик Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаштириш ставкаси доирасида;
 - Кредитнинг мақсади - Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган товарларни (хизматлар) сотиб олиш, жумладан:
 - маиший, компьютер техникаси, радио- ва электро жиҳозларни сотиб олиш;
 - мебел ва бошқа турлардаги уй-жой анжомлари, турар жойларни жиҳозлаш ва янгилаш учун товарларни сотиб олиш;
 - Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган даволаш-профилактика муассасаларида, курортларда, дам олиш масканларида даволаниш ва дам олиш учун йўлланмаларни сотиб олиш;
 - Тантаналарни (тўй, юбилейлар) ўтказиш;
 - “GM-Uzbekistan” ЁАЖ томонидан ишлаб чиқарилган шахсий автомобилларни таъмирлаш учун;
 - кредитни қайтариш тартиби – ҳар ойлик тенг улушлар асосида.

1.2 Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 2007 йил 18 июлда 1697-сон билан руйхатга олинган “Тижорат банклари томонидан ёш оилаларга имтиёзли асосда кредитлар бериш тартиби тўғрисида” Низомига мувофиқ ёш оилалар тоифасига кирувчи қарз олувчилар учун қуйидаги имтиёзлар ўрнатилган:

- кредитни қайтариш бўйича 6 ойлик имтиёзли давр белгиланиб, асосий қарзни қайтариш имтиёз даври тугагандан сўнг ҳар ойда тенг тўловлар билан амалга оширилади.
- фоиз ставкаси – кредит фоизларни ҳар ой тўлаш шarti билан йиллик Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаштириш ставкаси доирасида.

Имтиёзли давр кредит бўйича фоизлар ҳисоблаш ва ундиришга татбиқ этилмайди.

1.3 Қонун ҳужжатларига мувофиқ, “ёш оила” ҳар бири 30 ёшдан ошмаган, биринчи марта расмий никоҳдан ўтган ёшлардир.

1.4 Истеъмом кредити фақат балоғат ёшига етган, муомалага лаёқатли, доимий рўйхатга эга, шунингдек доимий иши ва ўз фаолиятдан даромадга эга бўлган фуқароларга берилади.

1.5 Кредит сотиб олинadиган товарнинг 100 % қиймати миқдорида берилади. Қарз олувчи кредитни ўз вақтида қайтармаган ҳолда кредит таъминоти ҳисобидан қонунчиликда белгиланган тартибда ундирилиши мумкин.

1.6 Кредит таъминоти бўйича ҳужжатларни расмийлаштириш қарз олувчининг ҳисобига амалга оширилади.

II. “Асака” банк филиалларида “Харидор” омонатини юритиш тартиби

2.1 Ўзбекистон Республикаси фуқароси турар жойи бўйича “Асака” банк филиаллари томонидан берилadиган истеъмом кредитининг муддатидан кам бўлмайдиган муддатга “Харидор” ҳисобварағини очади, унга сотиб олинadиган товар нархининг 25 фоизидан кам бўлмайдиган миқдорда омонат қўяди. Омонат бир йўла тўлов ёки ушбу ҳисобвараққа зарур суммани жамғариш йўли билан жамғарилиши мумкин.

2.2 Сотиб олинadиган товар қийматининг 25% фоизидан кам бўлмаган миқдорда маблағни киритган “Харидор” ҳисоб рақамининг эгаси банкдан истеъмом кредити олиш ҳуқуқига эга.

2.3 Омонатчи “Харидор” ҳисоб рақамини кредит расмийлаштирилгунча ёпишга ҳақли, бундай ҳолда омонат бўйича ҳисобланган фоизлар тўланмайди. Ҳисоб рақамидан маблағларнинг қисман берилишига йўл қўйилмайди. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўз турар жойини алмаштирганда омонатчи “Харидор” ҳисоб рақамининг сақланиб қолиш ҳуқуқига эга, бунда ҳисоб рақами унинг янги турар жойи бўйича “Асака” банкнинг ҳудудий филиалига ўтказилиши шарт.

III. Кредитни расмийлаштириш ва ажратиш тартиби

3.1 Истеъмом кредити олиш учун қарз олувчи қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

кредит олиш учун ариза;

доимий рўйхатга қўйилганлиги тўғрисида белгиси бўлган паспорт, муддатли хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчилар учун ҳарбий хизматчининг ҳарбий билети ёки гувоҳнома, шунингдек қарз олувчининг турар жойидан маълумотнома;

иш жойидан охириги йил учун иш ҳақи кўрсатилган маълумотнома (хусусий тадбиркорлар учун – амал қилиш муддати кредит муддатидан кам бўлмаган патент), ёки ўзга даромад турини тасдиқловчи бошқа ҳужжат;

Савдо ташкилотининг олди-сотди шартномаси (ҳисоб-шартнома);

Ушбу кредит қайтарилишининг таъминоти;

никоҳ тузилганлиги тўғрисида гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси (агар кредит ёш оиланинг аъзоси номига расмийлаштирилаган бўлса).

IV. КРЕДИТНИ ҚАЙТАРИШ ВА ФОИЗЛАРНИ ТЎЛАШ ТАРТИБИ

4.1 Асосий қарзни ва кредит бўйича фоизларни қайтариш юзасидан тўловлар қарз олувчи томонидан кредит берилган ойдан кейинги ойдан бошлаб (ёш оила аъзосининг номига расмийлаштирилган кредит бўйича – имтиёз даври тугагандан кейин) ҳар ой кредит шартномасининг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланадиган жадвалга биноан тўлаб борилиши керак.

4.2 Бунда кредитнинг умумий суммаси билан “Харидор” омонатининг суммаси орасидаги фарқ миқдоридagi кредитни қайтариш бутун кредит бериш муддати давомида ҳар ойлик тенг тўловлар билан ва охириги тўлов “Харидор” ҳисобварағидаги омонат ҳисобига амалга оширилади ва айни пайтда омонат ҳисобрақами ҳам ёпилади.

4.3 Қарз олувчи шунингдек кредитдан ҳақиқатда фойдаланилган давр учун ҳисобланган фоизларни бир йўла тўлаб кредитни муддатидан илгари қайтариши мумкин.

4.4 Қарз олувчи нақд пул маблағлари, пластик карталардаги маблағлар билан ёки алоқа банк бўлимлари орқали нақд пулсиз маблағ ўтказиш, иш ҳақи ва иш ҳақига тенглаштирилган бошқа даромадлардан ушлаб қолиш йўли билан кредитни қайтариши ва кредит фоизларини тўлаши мумкин.

